

KWHS – Атлетик спорт машғулотларига қатнашиш бўйича йўриқномалар

Бирорта ҳам спортчи, спорт директори томонидан бериладиган қатнашиш рухсатномасини олмасдан қатнаша олмайди.

Спортчилар ва ота-оналар – www.AthleticClearance.com сайтида Key West High School енгил атлетика дарсларида қатнашиш учун рухсатномангизни тўлдиришингиз керак. Талаб қилинувчи бутун атлетик спорт формалари онлайн тўлдирилиши керак. Қуйидаги кўрсатмалар электрон почта, почта орқали ёки шахсан формани тўлдириб барча ўқувчиларга тегишлидир.

Тақдимотни яқунлаш учун қуйидаги пунктларни тайёрлаб қўйинг:

1. Athletic Clearance машғулотларига қатнашиш рухсатномасига рўйхатдан ўтиш учун ўқувчининг идентификация рақами талаб қилинади. Бу рақамни Фокус Порталига (Focus Portal) ташриф буюриш орқали топиш мумкин.
 - Ўқувчининг идентификация рақамини кўриш учун босқичлар қуйидагичадир:
 - Қуйидагига кириш: <https://monroe.focusschoolsoftware.com/focus/?skipSAML>
 - Кирганингиздан кейин “Фарзандимнинг маълумотлари” (My Child Info) бўлимини танлаш учун чапдаги менюдан фойдаланинг.
 - Ўқувчининг IDси унинг расми остида жойлашган. Атлетик спорт машғулотларига қатнашиш рухсатномаси асосида рўйхатдан ўтишда 4400***** дан бошланувчи 10 та рақамли сонни киритинг. **Агар Ўқувчи ID # бўлмаса, рухсатнома рад қилинади.**
 - **Ҳисоб яратишда keysstudents электрон почта ФОЙДАЛАНМАНГ.**
2. Ўқувчилар www.NFHSLearn.com орқали урта талаб қилинувчи курс учун сертификатларни тўлдиришлари ва юклашлари шарт.
 - **Мия чайқалиши, юрак тўтилиши ва иссиқлик касалликларини бошқариш бўйича NFHS курс кўрсатмалари учун буерни босинг.**
 - **БАРЧА ЮКЛАНУВЧИ ХУЖЖАТЛАР PDF ЁКИ JPEG ФАЙЛИ СИФАТИДА ЮКЛАНИШИ КЕРАК.**
3. Ўқувчилар суғурта маълумотларини тақдим этишлари керак. Агар фарзандингизда суғурта бўлмаса, суғурта сотиб олишингиз мумкин. **Онлайн рўйхатдан ўтиш учун бу ерга босинг: K-12 Рўйхатдан ўтиш суғуртанинг далили сифатида квитанциянгизни юкланг.**
 - **Ўқувчи суғуртаси ҳақида маълумотлар (инглизча)**
 - **Ўқувчи суғуртаси ҳақида маълумотлар (испанча)**
4. Жорий тиббий кўрик ҳужжати KWHHS Athletics дан олдин юклаб қўйиш ёки ҳужжатлар файлига жойланган ҳолда олиб келиш мумкин. Тиббий кўрик ҳужжати 365 кунга амал . **FHSAA EL2 Тиббий кўрик формаси** шифокор томонидан тўлдирилиши керак. Шифокорнинг тиббий кўрик ҳужжатига имзо қўйишидан ташқари муҳрини қўйганлигига ҳам ишонч ҳосил қилинг.
 - Тиббий кўрик ҳужжатингизни АНЕС орқали тўлдириш учун **305-743-7111 рақамига қўнғироқ қилинг. 210** беморнинг шахсий ташриф буюриши учун рандеву рақами.
5. Тиббий даволаниш розилик формаси тўлдирилиши, имзоланиши ва нотариал тасдиқланиши керак.
 - **Тиббий даволаниш розилик формаси**

Athletic Clearance машғулотиға қатнашиш рухсатномасиға қуйидағи ҳавола орқали кириш мумкин:

www.AthleticClearance.com

Сизға ёрдам бериш учун бошлаш саҳифасида видео мавжуд.

KWHS бутун жараён давомида ёрдамға муҳтож бўлмаган ёки ёрдамға муҳтож бўлган ҳар қандай спортчиға ёрдам бериши мумкин. **305-293-1549** рақами орқали спорт офиси билан боғланиш ёки andrew.freeman@keyschools.com манзили орқали жаноб Фриманға муурожаат қилинг.

Athletic Clearance онлайн рухсатномаси учун кўрсатмалар:

1. www.AthleticClearance.com сайтиға кириш ва керакли вазиятни танланг.
2. Рўйхатдан ўтинг. Ота-оналар жорий электрон почта фойдаланувчи номи ва парол билан рўйхатдан ўтадилар. Сиздан инсон эканлигини тасдиқлаш учун код киритишини сўралади. Агар бу қадам ўтказиб юборилса, ҳисобини фаолаштирилмайди. (Агар бу қадам ўтказиб юборилса, ҳисобини фаолаштириш учун Athletic Clearance бўлими билан боғланинг)
3. Рўйхатдан ўтган электрон почта манзилинидан фойдаланиб тизимға кириш.
4. Жараёни бошлаш учун "Start Clearance Here" бандини танланг.
5. Талаба иштирок этишни режалаштирган ўқув йилини танланг. Мисол: 2023-йил сентябридаги футбол 2023-2024-ўқув йилида бўлади.
6. Талаба ўқийдиган ва номидан мусобақада қатнашадиган мактабни танланг (Key West High School)
7. Спорт турини танланг. Ушбу ўқув йилида ўқувчи қатнашадиган **БАРЧА** спорт турларини танланг.
8. Ўқувчи ҳақидаги маълумотлар, таълим ўтмиши, тиббий соғлиқ ўтмиши ва имзо формалари учун барча керакли бўшлиқларни тўлдириш.
9. Сизнинг атлетик спорт дастурини учун ихтиёрий хайрия. Бизни қўллаб-қувватлаганинги учун жуда миннатдоримиз!
10. Тасдиқлаш хабарига келганингидан сўнг жараёни якунлаган бўласиз. Тасдиқлаш хабарини чоп этиш ва тиббий даволанишға розилик варақаси билан атлетик спорт бўлимиға қайтаринг.
11. Агар сиз қўшимча спорт/фаолиятлар учун рўйхатдан ўтмоқчи бўлсангиз, Тасдиқлаш хабари остидаги спорт турларини белгилашини мумкин. Қўшимча спорт/фаолиятлар учун электрон имзо қўлланилади.
12. Ушбу маълумотларнинг барчаси кўриб чиқиш учун мактабининг спорт бўлимиға электрон шаклда топширилади.

Саволлар борми?

Support.AthleticClearance.com сайтиға ўтинг ва чипта тақдим этинг.

2024-2025-ўқув йили учун рухсатга эга бўлиш учун қўшимча қадам мавжуд бўлади. Рухсатнома онлайн тарзда топширилгандан сўнг, спортчи тиббий даволанишға розилик формасининг қоғоз нусхасини ва атлетика бўлимиға тасдиқлаш хабарини топшириши керак.

Барча босқичлар бажарилгандан сўнг, спортчиға спорт директори томонидан рухсатнома картаси берилади. Кейин спортчи ўша рухсатнома картасини бош мураббийиға беради, шунда мураббий спортчининг иштирок этиш учун рухсат берилганини тасдиқлай олади.